



Марказий Осиёда XIV асрда пайдо бўлган яна бир йирик тасаввуфий тарикат — «Накшбандия» тарикатидир. Бу тарикат Хожа Мухаммад Баҳоуддин Накшбанд номи билан боғлиқдир. Накшбанд 1318 йилда Бухоро ёнидаги касри Хиндуён кишлогига тугилади (сўнгра Хазрати Накшбанд шарофати билан бу кишлоқ «касри Орифон» деб атала бошланган). 1354 йилда вафот этган мутасаввуф олим Хожа Мухаммад Бобои Самоси Баҳоуддин Накшбанднинг Бухоро ёнида-ги касри Хиндуён кишлогига пайдо бўлишини олдиндан башорат қилган экан. Мазкур мутасаввуф донишманд ёш Баҳоуддинни ўзига ўғил қилиб олади ва ҳар томонлама уни тарбия қилади. Вафотидан олдин уни ўз шогирди Саййид Мир Кулолга топширади. Шу зайлда ёш Баҳоуддин ўша даврдаги атоқли мутасаввуф Саййид Мир Кулол қарамоғига таълим олган. Тасаввуфнинг машҳур билимдони, атоқли шарқшунос Е. Э. Бертельснинг ёзишича, Накшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фақирлик ётади... Шунга биноан, Баҳоуддин Накшбанд умри бўйи дехкончилик билан кун кечирган, ўз кишлогига унчалик катта бўлмаган ерига бугдой ва мош экар экан. У уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сакламаган. кишда қамишлар устида, езда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйида ҳеч қачон хизматкор ҳам бўлмаган. Хазрати Накшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зеро, бу тарикатнинг асл ақидаси — «Дил ба ёр-у, даст-ба қор» — яъни «доимо қўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда», деган гоёни илгари суради. У ўз қўл қучи билан кун қўришни ёқтирган, топган-тутганларини — етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, ҳукмдорлардан доимо ўзини йирок тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмағирлик қилиб яшамаган.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган «Накшбандия» таълимоти Афғонистон орқали Хиндистонга ва бошқа ислом юртлирига шиддат билан тарқала бошлайди. Накшбандия таълимоти Темурнинг мўғуллар истеълосига қарши кураш, мустақил давлат барпо этиб, унда маданий-маънавий ривожланишни таъминлашга интилишида, теурий даври маданий юксалишида катта ижобий аҳамият қасб этади.

XV асрнинг кўп олим-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткор-лари Накшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўддилар. Заҳириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) даврида, ундан кейинги XV1-XVII асрларда бу жараён анча тезлашади. Накшбандия тарикати XVI асрда Хожа Мухаммад ал-Бокий Кобулий (вафоти 1605) Хиндистонга боргандан сўнг Хинд тупроғида ҳам авж олади. Бу машҳур мутасаввуф олим Афғон ва Хинд юртлирида Хожа Боқибилло номи билан

машхурдир. Унинг шогирди Хожа Ахмад Форук Сирхиндий (1563-1624) эса Накшбандия таълимотининг XVII асрда Хиндистонда ёйилишида катта роль ўйнаган.

Шундай қилиб, бизнинг табаррук юртдошимиз Хазрати Бахоуддин Накшбанд томонидан асосланган Накшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибдодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлари аскетизмга (таркидунёчиликка) қарши, бой-зодагонларнинг зулм ва истибдодига қарши бўлганлар, фақат ўз қўл қучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Накшбандийлар савдо-сотик, дехкончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусика, илм-маърифат, ҳаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шугулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳушқолхон Ҳатак, Ахмад Шох Дурроний, Махдумқули Фирогий сингари юзлаб улкан тараккийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар Накшбандия йўлини танлаганлар, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда қуйлаб, тинмай баракали ижод қилганлар.

Хожа Бахоуддин Накшбандни Марказий Осиё халқлари жуда юксак қадрлайдилар. Халқимиз ул Ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Ба-ҳоуддин — балоғардон!» дея беҳад эъзозлайди. Ҳозирги мустақиллик замонида «Яссавия», «Кубравия», «Накшбандия» каби ўлкамизда (Туркистонда) вужудга келган тариқатлар энди бизда ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганила бошланди. Хожа Ахмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Бахоуддин Накшбанд сингари мутасаввуф донишмандларнинг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имон-дорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илгор умумбашарий фикрлари давримизга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилади. 1993 йилда Ўзбекистонда Бахоуддин Накшбанднинг 675 йиллиги зўр гантаналар билан ўтказилди, унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, Халқаро илмий конференциялар бўлиб ўтди. Бухородаги Накшбанд номи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар қайтадан тикланди.

О. Усманов